

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

90 Кредит бюрolari ва кредит бюрolarига кредит ахборотини тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2330*

(2012 йил 12 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 412-модда) қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Кредит бюрolari ва кредит бюрolarига кредит ахборотини тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 14 январь,
1/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил
14 январдаги 1/1-сон қарорига
ИЛОВА

**Кредит бюрolari ва кредит бюрolarига кредит ахборотини
тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит
ахбороти алмашинуви тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 412-модда) қонунларига мувофиқ кредит бюрolari ва кредит бюрolarига кредит ахборотини тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тартибини белгилайди.

**I. Кредит бюросининг кредит ахборотини тақдим этувчи
органлар ва ташкилотларга муурожаат қилиши**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ кредит бюрolarига қуйидаги органлар ва ташкилотлар (бундан буён матнда тегишли органлар ва ташкилотлар деб юритилади) томонидан кредит ахбороти тақдим этилади:

юримдик шахсларни, яққа тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан — Юримдик шахсларнинг давлат реестрига ва Яққа тартибдаги тадбиркорларнинг давлат реестрига киритилган маълумотлар ҳажмида;

қўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан — Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига ва қўчмас мулк ҳақидаги бошқа очиқ фойдаланиладиган маълумотлар базаларига киритилган маълумотлар ҳажмида;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан — солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш маълумотлари, шунингдек уларнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида;

ички ишлар органлари томонидан — берилган паспортлар тўғрисида, шу жумладан, йўқолган ёки амал қилиш муддати тугаган паспортлар ўрнига берилган паспортлар, шунингдек автотототранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида ҳамда уларнинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида;

давлат нотариал идоралари томонидан — битим предмети бўлган объектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисида;

лицензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни берувчи органлар

томонидан — ушбу ҳужжатлар берилганлиги фактлари тўғрисида, лицензиянинг ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги ҳақида, шунингдек уларнинг бекор қилинганлиги ва қайта расмийлаштирилганлиги тўғрисида.

2. Кредит бюрolari кредит ахбороти субъектларининг кредит тарихини шакллантириш учун тегишли органлар ва ташкилотлардан ўзаро тузилган кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) асосида кредит ахборотини олишга ҳақли.

3. Тегишли органлар ва ташкилотлар кредит бюрolari билан қонун ҳужжатлари талабларига мос бўлган шартномани тузишни асоссиз равишда рад этишга ҳақли эмас.

4. Кредит бюрolari тегишли органлар ва ташкилотларга кредит ахборотини олиш учун ёзма ёки электрон шаклда сўров юборади. Сўровда олинadиган кредит ахборотининг таркиби кўрсатилиши лозим.

II. Кредит ахборотини тақдим этиш

5. Кредит ахбороти алмашинувида кредит ахборотининг бутлигини, ишончлилигини, махфийлигини таъминлаш учун Кредит бюрolarининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйилadиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 35-модда) мувофиқ хавфсизлик чоралари кўрилиши лозим.

6. Тегишли органлар ва ташкилотлар кредит бюрolarига қоида тариқасида кредит ахборотини электрон шаклда тақдим этади. Кредит ахборотининг қоғозда тақдим этилиши шартномада белгиланади.

7. Кредит бюрolarида мавжуд бўлган кредит ахборотига зарар етганда ёки улар йўқолганда кредит бюрolari тегишли органлар ва ташкилотлардан зарар етган ёки йўқолган кредит ахбороти ҳажмида қўшимча сўров асосида кредит ахборотини олиши лозим.

8. Кредит бюрolari тегишли органлар ва ташкилотлардан олинаётган кредит ахборотининг махфийлигини таъминлаш учун ундan фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари доирасини белгилайди.

III. Кредит ахборотларини қайта ишлаш

9. Кредит бюрolari тегишли органлар ва ташкилотлардан олинган кредит ахборотини йиғади, таҳлил қилади ва ундan кредит ахбороти субъектининг кредит тарихини шакллантиради.

10. Тегишли органлар ва ташкилотлар томонидан кредит бюрolarига тақдим этилган кредит ахборотининг тўғри эканлигига кредит бюрolarида шубҳа туғилса, улар тегишли органлар ва ташкилотларга бу ҳақида сўров юборишлари лозим. Кредит ахборотининг тўғрилиги юзасидан туғилган шубҳа

Ўз тасдиғини топган тақдирда тегишли органлар ва ташкилотлар кредит ахборотини уч иш куни муддатида тузатиб, бу ҳақда кредит бюроларини хабардор қилишлари лозим.

11. Тегисшли органлар ва ташкилотлардан олинган кредит ахборотига кредит бюролари томонидан ўзгартириш киритиш тақиқланади, мазкур Низомнинг 10-банди бундан мустасно.

IV. Яқуний қоидалар

12. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан келишилган.

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2011 йил 30 декабрь

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2011 йил 30 декабрь

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси*

С. АРАБОВ

2011 йил 30 декабрь